



# MILLIY TIKLANISH


43 (208) ● 2012 йил 24 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



**ХАЛҚИМИЗНИНГ** миллий маданияти ва ўзлигини ифода этувчи восита бўлиши ўзбек тилини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбек тили миллий қадриятларимизнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, миллат ва маънавиятнинг кўзгусига айланди.



ЎзМТДП ОАВнинг чинакам мустақиллиги ва эркин фаолиятини том маънода таъминлаш, халқимизнинг ноёб маданий ва маънавий қадриятларини тарғиб қилишдаги роли, янгиланиш ва модернизация қилиш жараёнларидаги таъсирчанлигини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда.



**ЮРТИМИЗНИНГ** жанубий ўлкаси — Сурхондарё кўплаб қадимий ёдгорликлар, манзил-маконлар, ноёб осори-атиқаларга бой воҳалардан. Термиз археология музейи бу борада кўплаб тадқиқот ва излашлар олиб бормоқда.

**3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ**

**4 ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ**

**8 КЎЗГУ**

**● ХАБАРЛАР**

**Сарҳисоб: натижа ва истиқбол**  
 Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан ҳисобот даври иш якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда соҳа ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Соҳа мутахассислари автотранспортда юк ва йўловчи ташиш фаолиятини лицензиялаш, ҳайдовчилар томонидан лицензия талаб ва шартларидан амал қилиш билан боғлиқ ишлар, агентликнинг ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган кемачилик регистри ва кемачилик инспекцияси фаолияти, шунингдек, автотранспорт воситаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда келгуси иш режалари ҳусусида батафсил маълумот беришди. Журналистларнинг саволларига муфассал жавоб қайтарилди.

**Муборак айём шуқуҳи**

Барча жойда бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам меҳр-муруват, ўзаро ёрдам, саховат каби эзгу амаллар бажариладиган Қурбон ҳайитини кўтаринки руҳда нишонлаш учун барча чора-тадбирлар кўриломоқда.

Жумладан, вилоятнинг шаҳар, туман ва қишлоқларида кўча-ю гузарлар тартибга келтирилмоқда, қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилмоқда.

— Муборак ҳайит айёми муносабати билан ёрдамга муҳтож ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда, - дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раисининг ўринбосари Абдурашид Расулов. — Бундай хайрли ишлар фуқароларимиз ўртасида меҳр-муруват ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

**Биродарлашган шаҳар кўргазмаси**

Тошкент Фотосуратлар уйида «Шанхай: Шарқ дурдонаси — Тошкент билан биродарлашган шаҳар» номли фотокўргазма очилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида санъаткор ва рассомлар, талаба-ёшлар, профессор-ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик иштирок этди. 120 дан ортиқ фотосуратлар қўйилган кўргазма экспозицияларида Шанхай шаҳрининг замонавий архитектураси, ранги ва дизайни бўйича бир-биридан фарқ қиладиган бинолар, яшил ҳудудлар, истироҳат боғлари, ранг-баранг ва гўзал табиат манзаралари ўз аксини топган. Қолаверса, мазкур тадбир Ўзбекистон-Хитой ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 20 йиллиги нишонланаётган бир даврда, ҳар иккала халқлар ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни чуқурлаштириш, ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

**● ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА**



## Халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлаш

**БОРАСИДАГИ ЎЗБЕКISTON ТАШАББУСЛАРИ ЎЗМТДП ТОМОНИДАН КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИНМОҚДА**

Партиямиз БМТ, ЕХҲТ, ШҲТ, ЮНЕСКО, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва бошқа шу каби мақсади миллий ҳамда халқаро хавфсизликни таъминлаш, халқлар ва миллатларнинг ўзига хослигини сақлаш, миллий ва умуминсоний маданиятини ривожлантириш гояларига оҳангдош бўлган халқаро тузилмалар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик янада кенгайтирилиши қўллаб-қувватлайди.

(ЎзМТДП сайловоди Платформасидан) **3-бет**

**● ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**

## Партия электорати манфаатлари

**ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИ ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМАСИГА АНА ШУНДАЙ НУҚТАИ НАЗАР БИЛАН ҚАРАМОҚДА**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар, ҳуқуқшунослар ва мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Йиғилишда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилиши режалаштирилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Депутатлар эътиборига дастлаб "Ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳавола қилинди.

— Ушбу қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Тўхтабоев. — Мазкур Қонун лойиҳасини таҳлил қилар эканмиз Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси дастурий мақсадлари ва сайловоди Платформасида иқтисодий соҳасида олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришимизда ҳамда электоратимиз бўлган кўп сонли маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларга, хунармандларга, оилавий тадбиркорларга ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида фаолият олиб бораётган вакилларимизга янада қулай муҳит, қўшимча ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар яратилишига ва барқарор фаолият юритишига замин яратди.



Шу билан бирга ушбу қонун лойиҳаси тахрири Президентимиз фармонларининг 1-илловасининг 21 бандидаги тахрир билан биржиллаштириш керак деб ҳисоблаймиз, чунки унда "Тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари кўрсатган хизматлар учун, хусусан, берилган кредитлар бўйича тадбиркорлик ва бошқа тижорат тавakkалчилик билан боғлиқ бўлган ўз шартнома мажбуриятларини бажармаган ҳолда банк-молия соҳасидаги ходимларнинг жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмаслиги" кўрсатилган. Тақдим этилган қонун лойиҳасида эса юқорида кўрсатилган ҳолда банк-молия соҳасидаги ходимларнинг ҳаракати жиноят ҳисобланмаслиги тақлиф этилмоқда.

**2-бет**

**● ДЕПУТАТ МИНБАРИ**

## Сайлов қонунчилиги янада такомиллашади

**ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН КИРИТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИХАСИ КЕНГ МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" асосида ишлаб чиқилган, ЎзМТДП фракцияси аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган «Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси жорий йил 8 август куни Қонунчилик палатасининг ялпи йиғилишида биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шундан сўнг, лойиҳани маромига етказиш, Қонунчилик палатасининг қўмиталари, сиёсий партияларнинг фракциялари, кенг жамоатчилик ўртасида муҳокамаларини ташкил этиш ва юқори савияда ўтказишни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси қошида 15 кишидан иборат ишчи гуруҳи, 16 кишидан иборат экспертлар гуруҳи тузилди.

**4-бет**

**● ЖАРАЁН**

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг оила муқаддаслиги ҳақида билдирган қўйидаги пурмаъно қарашлари ҳамisha бизни руҳлантиради, юртимизга ва оиламизга садоқат туйғуларимизни жўш урдиради, фикр-мулоҳазаларимизни муҳтарам газетхонларимиз билан баҳам кўришга ундайди: "Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқийсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва боқира туйғулари, яъни ҳаётий тушунча ва тасавурулари биринчи галда оила бағрида шаклланади".

## Мустаҳкам оила — тинч ва фаровон

**ҲАЁТ КАФОЛАТИ**

**5-бет**

**"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!**

**Нашр кўрсаткичи — 158**



# СИЁСАТ

## ● ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

### Партия электорати манфаатлари

#### ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИ ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМАСИГА АНА ШУНДАЙ НУҚТАИ НАЗАР БИЛАН ҚАРАМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)



Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан фракция аъзолари тadbиркорлик фаолиятини бошлаш ва рўйхатдан ўтказиш жараёнида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондига таъсис ҳужжатларида кўрсатилган микдорнинг бир қисмини давлат рўйхатидан ўтказишдан олдин тўлаш лозимлиги ҳақидаги талаб бекор қилинаётгани тadbиркорларга бир қатор қўлайликлар беришини эътироф этдилар.

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 325-моддасига киритилаётган қўшимчада 167, 170, 172, 173-моддаларига ўзгариш мўлкнинг талон-тарож қилганлиги, унга мўлкий зарар етказганлиги учун юридик шахснинг мансабдор шахси, мўлкдори ёки ваколатли бошқарув органи берган шикоят аризаси асосидагина жиноий жавобгарлик тортиш таъкил қилинмоқда, - деди ЎЗМТДП фракцияси аъзоси С.Отмуродов. — Бизнингча устав фондига давлат улўши бўлмаган юридик шахси мол-мўлки фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилган ҳолларда ҳам жиноят иши юридик шахснинг мансабдор шахси, мўлкдори ёки ваколатли бошқарув органи берган шикоят аризаси асосидагина кўзгатиш асосларида киритиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари фўқаролик Кодексининг 65-моддаси 2-қисми ҳамда Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўқўқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонунининг

36-моддаси 1-ва 5-қисмларига асосан Қонун лойиҳасининг 7-моддаси билан «Кимматли қўғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддаси олтинчи қисмига киритилаётган тахирининг 1-қисми 2-бандидаги «сайтига жойлаштириш» сўзларидан кейин «ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш» сўзларини қўйиш лозим.

Шунингдек, шартномавий мўносабатлар ва шартнома шартларининг бажарилиши учун жавобгарлик соҳасида бир қатор энгилликлар жорий этилаётгани, жиноий жавобгарликни тегишлили мақсадида тегишли кодексларга ўзгаришлар киритилаётгани тadbиркорларга берилаётган шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган аниқ ҳўқўқий меъёр ва чора-тадбирлар жорий қилинишига олиб келишини таъкидладилар.

— Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тadbиркорлар, жумладан, хўнармандлар, касаначилар ва оилавий бизнес вакиллари фаолиятини янада жонлантиришда мўҳим аҳамият касб

тон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги мўносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам мўҳокама қилинди. Лойиҳада «Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги тахрирда) 33-моддасига кўра тadbиркорлик фаолияти субъектларининг илгари рўйхатдан ўтказилган фирма номи билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки ўхшаш бўлган, тегишли тadbиркорлик субъектларини айнан бир деб ҳисоблашга олиб келиши мўмкин бўлган фирма номи рўйхатдан ўтказилиши мўмкин эмас. Шу боис қонун лойиҳасида «Фирма номи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тadbиркорлик фаолияти субъектларининг илгари рўйхатдан ўтказилган фирма номи билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки ўхшаш бўлган, тегишли тadbиркорлик субъектларини айнан бир деб ҳисоблашга олиб келиши мўмкин бўлган фирма номи рўйхатдан ўтказилиши таъкидлашнинг назарда тутуви ўзгариш киритиш таъкил этилмоқда. Шунингдек, тadbиркорлик фаолияти соҳасида текширишларни янада тартибга солиш мақсадида «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш мўлжалланмоқда.

Қизгин мўҳокамалардан сўнг ушбу қонун лойиҳаси ҳам бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Йиғилиш сўнггида қўрилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Эргаш ХўЖАЕВ,**  
«Millyi tiklanish» муҳбири

## Фермерлик ҳаракати ўзини оқламоқда

*Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон пахтакорлигига йўлаган таъриғида фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, тақомиллаштириш, самарадорлигини ошириш, уни юксак даражага кўтариш, фермер ҳўжалиқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илгор хорижий агротехнологиялар, қишлоқ ҳўжалигига доир илм-фан ютуқларини мўкамал ўзлаштириш учун қўшимча имкониятлар бериш, фермерларимизнинг касб маҳорати, ҳўжалик юртиши, таъкилотчилик салоҳиятини ошириш, ёшларни фермерлик ҳаракатига кенг жалб қилиш ва фермерлар олдига турган айрим мўаммоларни ҳал қилиш бугунги кўннинг энг мўҳим вазифаси эканлигига эътибор қаратдилар.*

рилган фермерликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳўқўқий базасини янада тақомиллаштиришга оид чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш белгиланган.

Фармондаги ана бир мўҳим жиҳат — Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ва ҳудудий кенгашларига фермерларга ер ажратиш, уларнинг ҳақ-ҳўқўқларини ҳимоя қилиш, фермерликни ривожлантириш, фермер ҳўжалиқларининг моддий-мўлиявий базасини мустаҳкамлаш ҳамда мўлкий мўносабатларини ишончли ҳимоя қилишга кўмаклашиш каби кенг қўламли вазифалар юклатилган.

ЎЗМТДП фракцияси аъзолари фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, қишлоқ ҳўжалиги ва бевосита фермерлик фаолияти билан боғлиқ бўлган амалдаги қонун ҳўжатларини янада тақомиллаштириш, лозим топилса янги қонунлар тайёрлаш жараёнида партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб фаол иштирок этиш талаб этилади. Бу ўз навбатида ЎЗМТДП фракцияси аъзолари зиммасига катта масъулият юкляди.

**Алишер ЖУМАЕВ,**  
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

Президентимизнинг жорий йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини таъкил қилишнинг янада тақомиллаштириш ва уни ривожлантириш чоралари тadbирлари тўғрисида»ги Фармони ана шундай мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, мавжуд мўаммоларни бартараф этишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Фармонда таъкидланганидек, амалдаги фермер ҳўжалиқлари уюшмаси бугунги тезкор замон талабларига, фермерлар олдига турган мақсад ва вазифаларни тезкор билан ҳал қилишга етарли даражада жавоб бера олмай қолди. Чўнки қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, тегишли идоралар, фермерлар, жумладан, фермер

ҳўжалиқлари уюшмаси зиммасига ҳам кўпдан-кўп вазифаларни юклямоқда. Қолаверса, таъкидланганидек, фермерлик ҳаракати бугунги кўнда қишлоқ ҳўжалик махсулотлари асосий ишлаб чиқарувчиси ана шундай мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, мавжуд мўаммоларни бартараф этишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Фермер ҳўжалиқлари уюшмаси ўрнига энгилдикда замон талабларига ҳар томонлама жавоб бера оладиган, мўтлақо янги тарқорлик билан ҳал қилишга етарли даражада жавоб бера олмай қолди. Чўнки қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, тегишли идоралар, фермерлар, жумладан, фермер

## Мамлакат тараққийотининг мўҳим омил

*Бугунги кўнда фермерлик ҳаракати мамлакат тараққийотининг мўҳим жабҳасига, ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий хом ашё базасига, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишда, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштиришда, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда асосий кўчга айланиб бормоқда.*

Фермерлик фаолиятидаги биргина пахтачилик соҳасини олдидан бўлса, деҳқонларнинг шарафли меҳнати эвазига қайта ишлаш корхоналарида пахта хом ашёсидан 25 дан зиёд

турда махсулот олинади. Қолаверса, пахта экспортдан давлатимизга келадиган валюта маблағлари юртимиз тараққийотига, жамиятимиз фаровонлигига сарфланади.

Мамлакат тараққийоти ва жамиятини демократлаштиришда фермерлик ҳаракатининг ролини ошириш мақсадида қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини таъкил қилишнинг янада тақомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президентимиз Фармони соҳа ривожидан мўҳим дастуриямал вазифасини ўтайди. Фармонда кўзда тутилган фермерларнинг ҳўқўқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби вазифалар соҳа

ривожидан мўҳим ҳисобланади.

Фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини янада ошириш борасида илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштириш, илгор агротехнологиялар билан таъминлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёшларни фермерлик ишига кенг жалб қилиш мақсадида олиёй ўқув юрталари, касб-хўнар коллежлари билан ҳамкорлик қилиш, юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлаш каби масалаларда ЎЗМТДПнинг ҳар ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб иш кўриши лозим бўлади.

**Баҳурмурод ИСАЕВ,**  
халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат

## Фракциялараро кураш

### ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ҚОНУНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИГА ЗАМИН ЯРАТМОҚДА

чоғида фракциялараро рақобат кўмиталарда мўҳокама қилиш ва уни маромига етказишдан кейин ҳам давом этишини кузатиш мўмкин. Жумладан, қонун лойиҳаси палата ялпи мажлисига киритилишидан олдин ҳар бир фракцияда мўҳокама қилинади. Биринчи ўқидан олдин ҳар бир фракция қонун лойиҳасига концептуал, ҳўқўқий баҳо бериш билан бир қаторда, унга нисбатан ўз позициясини билдиради ва сиёсий, ҳўқўқий жиҳатдан баҳо беради. Ушбу баҳо, энг аввало, сиёсий партия дастурий мақсад ва госяи ҳамда демократик партияси фракцияси мамнуният билан қўллаб-қувватлади. Чўнки, бу норма ЎЗМТДПнинг сайловолди Платформасида кўзда тутилган мақсад-вазифалар ва госялар билан уйғун ва ҳамоханг эди. Бинобарин, ёш авлодни руҳан ва маънавий соғлом, дунёқараши кенг, ижтимоий етуқ шахс сифатида вояга етказишда унинг аҳамияти бекиёсдир. Шу боис нормани янада тақомиллаштириш, маромига етказиш юзасидан бир қатор амалий таъкилфлар билдирилди. Зеро, мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир паллада, фарзандларимиз тарбиясига ижобий таъсир етувчи мазкур Қонуннинг қабул қилиниши айна мўддаодир.

Бугунги шиддатли глобаллашуш даврида ёш авлод тарбияси биз учун ҳар нарсадан ҳам мўҳимроқ. Биз ҳозир ёшларнинг нафақат Конституция ва қонунларда белгиланган ҳўқўқларини ҳимоя қилишимиз, балки уларни турли кўринишлардаги маънавий-ахлоқий таҳдидлар, жумладан, кашандалик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, зуравонлик сингари салбий иллатлар таъсиридан асрашимиз, шунингдек, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёндаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур. Қолаверса, ёш авлодни миллий, маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси этиб тарбиялаш долзарб аҳамиятга мўлки вазифадир.

**Қамолiddин ХОТАМОВ,**  
«Millyi tiklanish» муҳбири

## Чексиз қувонч, гўрур бахш этди

*Жорий йил 3 миллион 350 миң тоннадан зиёд юқори сифатли юксак пахта хирмон уйўланган экан, бунда юртимизда фаолият юртайётган заҳматкаш деҳқон ва фермерлар, сувчи ва механизаторлар, барча мутахассис ва мутасаддилар, теримчи ва ҳайвончиликнинг мўносби ҳиссаси бор, албатта. Президентимиз Ўзбекистон пахтакорлиги ва барча меҳнаткашларига йўлаган таъриғида бунини алоҳида эътироф этиб, ҳаммамизни «азизларим, қадрдонларим», дея самимий мўборакбод этганлари фермер ҳўжалиқимиз аъзоларини ниҳоятда қувонтириб юборди. Таъриқда Бувайда тумани ҳам илгорлар қаторида қайд этилгани эса қалбимизда чексиз гўрур ва ифтихор туйғўларини уйғотди.*

ника олишни режалаштирганми. Келажакда фермер ҳўжалигимиз қошида боғ яратишни, чорвачилик фермасини, паррандачилик ва балкичиликни таъкил этишни кўнглимизга тугиб қўйдик.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кўнда сиёсий партиялар юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга интилмоқда. Мен Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси ва туман Кенгаши депутати сифатида қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, қишлоқда кичик корхоналар, оилавий тadbиркорлик, миллий хўнармандчилик, хизмат кўрсатиш соҳасини таъкил қилиш ва ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш масалаларига эътибор қаратишни мақсад қилиб қўйганман.

**Рустам ШЕРМАТОВ,**  
халқ депутатлари Бувайда туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат

Яратилган имкониятлардан фойдаланган фермер ҳўжалигимиз аъзолари ҳам шартнома режасини илгорлар қаторида, 14 иш кўнда уддалаб, 48 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб, жами 150 тоннадан зиёд ҳосил етиштиргани, хом ашёнинг барчаси юқори навага сотилгани бунинг ёркин тасдиғидир. Натижада, пахтачиликнинг ўзидан оладиган даромадимиз 103 миллион сўмга етди. Шундан 40 миллион сўмдан ортиғини соф фойда ташкил қилади. Қувончлими, пахтачиликка ихтисослаштирилган 227 та фермер ҳўжалигининг акса-

## Гамхўрликдан миннатдормиз

*Мўҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлиги ва барча меҳнаткашларига йўлаган таъриғини фермер ҳўжалиқимиз аъзолари билан биргаликда ўқиб, ниҳоятда қувондик. Бу таъриқда бизнинг вилоятимиз ҳам илгорлар қаторида қайд этилгани эса кўнглимизни тоғдек кўтарди.*

цепцияда таъкидланганидек, босқичма-босқич амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёни сиёсий партиялар, шу жумладан, маҳаллий кенгашлар депутатлари зиммасига ҳам қатор вазифалар юкляди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси дастури ва сайловолди Платформасида таъкидлаб ўтилганидек, одамларда ерни асраб-авайлаш кўнглимизни шакллантиришга, қишлоқларда мўлкчиликнинг янги шакли — фермерликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга, қишлоқ ҳўжалиги субъектларига хизматлар кўрсатиш тизимини янада ривожлантиришга, қишлоқ ва шаҳарнинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яқинлаштиришга кўмаклашиш бораяймиз.

**Кўчқор КАРИМОВ,**  
халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, айниқса, таъриқдаги «фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини янада ошириш, уни замон талаб қилаётган янги, юксак босқичга кўтариш, бу соҳада олдида турган мўаммоларни ҳал қилиш энг мўҳим вазифаларимиз таъкил қилишга қаради», деган сўзлари биз фермерларни янада руҳлантирди.

Қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, соҳага фан ва техни-

*Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ҳам фаол иштирок этишга интилмоқдалар. Хусусан, дастурий мақсад ва госяларини амалга ошириш, электротартиқ фаолиятини ҳимоя қилиш, қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда қарорлар қабул қилишда ташаббус кўрсатиш ҳар бир сиёсий кўчга хос бўлган хусусиятдир.*

Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларнинг янада чуқурлаштириш ва фўқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да эллика яқин қонун лойиҳалари илгари суларилган. Мазкур қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилинишига эришиш қўйи палатадаги партия фракциялари олдига турган долзарб вазифа ҳисобланади. Албатта, қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида ҳар бир сиёсий партия ўз сайловолди Платформасидан келиб чиқди ҳамда электротартиқ манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги кўмиталарда ва ялпи йиғилишларда, шунингдек, сиёсий партиялар фракцияларида тўбора кўчайиб ва чуқурлашиб бораётган баҳс-мўнозаралар мамлакатимизда демократик қадриятларнинг қарор топиши янада ривожланиб бораётганлигини кўрсатади. Сиёсий партиялар фракциялари ўртасидаги рақобат, аввало, сиёсий партияларни ва фракция аъзоларини янада фаол бўлишга ҳамда самарали ишлашга ундайди. Бундай конструктив баҳс-мўнозара ва рақобат, биринчидан, қонун лойиҳаларини пишиқ пухта тайёрлашига хизмат қилса, иккинчидан, электротартиқ манфаатларни хизмат қилади.

Парламентнинг қўйи палатасининг айна пайтдаги амалиётига назар соладиган бўлсак, қонун лойиҳаси устида ишлаш



# ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## ● ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ



## Миллий ахборот макони

УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БУГУННИНГ ТАЛАБИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йўналиши бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ҳамда "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон ва Сирдарё вилоятларида ижросини назорат-таҳлил тартибидеда ўрганиш якунлари ҳақида"ги 2011 йил 28 декабрдаги Қарорининг бажарилиши муҳокама қилинди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Андижон ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари ходимлари ҳамда соҳа мутасаддилари, мутахассислар, экспертлар, ҳуқуқшунослар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Йўналиши Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Илҳом Абдуллаев кириш сўзи билан очди.

— Истиқлол йилларида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратишда, — деди нотиқ. — Жумладан, матбуот соҳасида иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг юртимиз тараққиётида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бориши, барча соҳалардаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, янги жамят куриш йўлида эришган ютуқларимизни холис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказиш имконини бермоқда.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ҳамда "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон ва Сирдарё вилоятларида ижросини назорат-таҳлил тартибидеда ўрганиш якунлари ҳақида"ги Қарори бажарилиши юзасидан қўмита аъзоси, ишчи гуруҳи раҳбари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шўҳрат Дехонов матбуога қилди.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлигини таъминлаш, ноширлик фаолиятини ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Хусусан, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ҳамда "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган ахборот соҳасидаги кенг қамровли ислохотларни жадаллаштиришда муҳим омили бўлди.

Таъкидлаш жоизки, соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга қаратилган алоҳида эътибор ҳар икки вилоятда ҳам ОАВнинг нафақат сон жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ривожланишида муҳим омили бўлмоқда. Жумладан, 1991 йилда Андижон ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 32 тани ташкил этган бўлса, бугунги ҳолатига кўра, бу кўрсаткич 69 тага етди. Уларнинг 55 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани эътибор

га моликдир. 2012 йил 13 январь кун Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган босма, электрон оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган кенгайтирилган йўналишда қўмита қарори атрофида муҳокама қилиниб, ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ҳокимлигининг тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Ушбу тадбирлар режасига биноан вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасида ҳар ойда бир марта вилоятдаги барча оммавий ахборот воситалари ҳамда нашриётлар, матбаа корхоналари мутасаддилари иштирокида соҳага оид қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини таҳлил қилиб бориш йўлга қўйилган.

Вилоятда журналистлар маҳоратини ошириш, ёш кадрлар билан ишлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Андижоннома" — "Андижанская правда" газеталари қўшиқдаги "Мужбирлар мактаби"да жорий йил 20 нафар ҳаваскор мухбир ўз малакасини ошириб, улар айна вақтда оммавий ахборот воситалари орқали доллар мавзуларида чиқишлар қилишмоқда. Шунингдек, журналистика соҳасида тахсил олаётган 12 нафар андижонлик ёшларнинг вилоятдаги оммавий ахборот воситаларида амалиёт ўташлари йўлга қўйилган.

Андижонда фаолият олиб бораётган нашриёт ва матбаа корхоналарини замонавий, илгор ва юқори технологиялар билан жиҳозлаш ишлари ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда "Андижон нашриёт-матбаа" МЧЖга Хитой Халқ Республикасида 190 миллион сўмлик замонавий босмахона ускуналари олиб келиб ўрнатилган. Шунингдек, Янгйер шаҳар "Янгйер босмахонаси" МЧЖ модернизация қилиниб, ҳозирги кунда бу ерда даврий нашрлар ва бошқа полиграфик маҳсулотлар чоп этилмоқда.

Урни келганда эътироф этиш жоиз, Сирдарё вилоятида ҳам қўмита қарорини бажариш юзасидан айрим камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, Сирдарё вилоятида оммавий ахборот воситалари фаолияти самардорлигини ошириш мақсадида тахрирларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш, уларни интернет тармоғига улаш, веб-сайтларини яратиш ва самарали ишлашни йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бугунги кун талаблари даражасида эмас. Айна вақтда вилоятдаги мавжуд 28 та даврий нашрнинг 12 таси интернет тармоғига уланган, холос. "Сирдарё ҳақиқати" —

фаолияти талаб даражасида олиб борилмапти.

Сирдарё вилоятида ҳам қўмитанинг юқоридеги қарори ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Вилоят ҳокимлиги томонидан 21 банддан иборат кенг қамровли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, вилоят журналистларининг 13 нафари жорий йилда соҳа ходимларининг малака ва маҳоратини оширишга йўналтирилган республика миқёсидаги семинар-тренингларда иштирок этиши таъминланган. Яратиб берилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлар туфайли вилоят журналистларининг ижодий фаоллиги тобора ортиб бормоқда. Республика миқёсидаги "Олтин қалам", "Йилнинг энг фаол журналисти", "Энг улуг, энг азиз" каби нуфузли кўрик-танловларда сирдарёлик қаламкашлар голиб ва совриндорлар қаторидан муносиб жой олишмоқда. Вилоятда мавжуд оммавий ахборот воситалари фаолиятини замонавий талаблар даражасида янада ривожлантириш учун ёш журналист кадрларини жалб этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўзига "Сирдарё ҳақиқати" газетасига Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган 2 нафар ҳамда "Маҳорат мактаби"да тахсил олган 2 нафар ёш кадр ишга қабул қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тугатган 2 нафар ёш журналист Сирдарё вилояти теле-радиокомпаниясида фаолият олиб бормоқда.

Худуддаги нашриётлар ва ноширлик фаолияти билан шугулланувчи матбаа корхоналарини замонавий, илгор ва юқори технологиялар билан таъминлаш мақсадида соҳага чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича амалий ишлар қилинган. Жорий йилда Гулистон шаҳридаги "Полиграфия АК" МЧЖга ҳокимлик кўмаги билан Хитой Халқ Республикасида 190 миллион сўмлик замонавий босмахона ускуналари олиб келиб ўрнатилган. Шунингдек, Янгйер шаҳар "Янгйер босмахонаси" МЧЖ модернизация қилиниб, ҳозирги кунда бу ерда даврий нашрлар ва бошқа полиграфик маҳсулотлар чоп этилмоқда.

Урни келганда эътироф этиш жоиз, Сирдарё вилоятида ҳам қўмита қарорини бажариш юзасидан айрим камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, Сирдарё вилоятида оммавий ахборот воситалари фаолияти самардорлигини ошириш мақсадида тахрирларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш, уларни интернет тармоғига улаш, веб-сайтларини яратиш ва самарали ишлашни йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бугунги кун талаблари даражасида эмас. Айна вақтда вилоятдаги мавжуд 28 та даврий нашрнинг 12 таси интернет тармоғига уланган, холос. "Сирдарё ҳақиқати" —

"Сирдарёнинг правда" газеталаридан бошқа нашрларнинг веб-сайти яратилмаган, — деди нотиқ.

Тадбирда сўзга чиққанлар эътироф этишганидек, бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замон соҳа ходимлари олдида муҳим вазифаларни қўймоқда. Айна шу омилидан келиб чиқиб, улар масъулиятини ошириш, янгилишни жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимизга, кенг жамоатчиликка холисона, тезкор ва ишончли тарзда етказиш, матбуотда эълон қилинаётган материаллар таҳлилга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бинобарин, энг долзарб, энг ўткир мавзулар, таҳлилий ва танқидий чиқишлар сваяси, уларда ўртага ташланган муаммоларни ечиш учун жамоатчиликни жалб этиш, уларга давлат ва ҳокимият мутасаддиларининг муносабати қандай бўлаётгани сингари масалалар тадбир иштирокчиларининг диққат маркази бўлди.

Йўналишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари муҳокама этилаётган масала юзасидан ўз партиявий позициялари нуктаи назаридан бир қатор муҳим фикр-мулоҳаза, тақлиф ва тавсияларни ҳам ўртага ташлашди. Жумладан, ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида кўзда тутилганидек, партия оммавий ахборот воситаларининг чинакам мустақиллиги ва эркин фаолиятини том маънода таъминлаш, уларнинг мамлакат миллий манфаатларини ҳар томонлама яқинлаштиришда, халқимизнинг ноёб маданий ва маънавий қадриятларини тарғиб қилишидаги ролини, шунингдек, янгилишда ва модернизация қилиш жараёнидаги таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Бунда журналист кадрлар тайёрлаш, миллий журналистика мактабини ривожлантириш, ахборот маконидеда соғлом рақобатни, давлат ва шахсонинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фан ва техниканинг энг янги, илгор ютуқлари асосида ОАВнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналистларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан фаол қўллаб-қувватлаш масалаларида қонунчилик механизмлари янада мустаҳкамлаш фракция аъзоларининг диққат маркази экани эътироф этилди.

Айниқса, фракция аъзолари томонидан ахборот ҳужжатларининг даври бўлган бугунги глобаллашув жараёнида ҳали онги ва дунёқараши тўла шаклланиб улгурмаган ёшларимизни турли кўринишлардаги ахборот хуружларидан ҳимоялаш, уларнинг ахборотдан фойдаланиш маданиятини ошириш, ёш авлодни миллий аъёнларини, тарихий ва маънавий меросни сақлашга қаратилган сифатли, юксак медиа маҳсулотлар билан таъминлашда замонавий ахборот технологиялари ва Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш, оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг масъулиятини оширишга қаратилган қатор тақлиф ва мулоҳазалар баён этилди.

Ўзбекистон йўналиши якунлари бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Камолитдин САИДУЛОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

## ● ДЕПУТАТ МИНБАРИ

# Сайлов қонунчилиги янада такомиллашади

ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН КИРИТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ КЕНГ МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унинг таркибига Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассислари, сиёсий партияларнинг фаоллари, амалиётчи ҳуқуқшунослар, ННТ вакиллари кириштирилди. Бундан ташқари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, мутасаддилар, мутахассислар, олимлар ва экспертларнинг тақлифлари, тавсиялари ва хулосаларини олиш ҳамда умумлаштириш, лойиҳани кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Мазкур режага асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Сайловлар жараёнида оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш: қонунчилик ва амалиёт" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамкорлигида "Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг истиқболлари" мавзусида минтақавий давра суҳбати ташкил этилди. Унда ЎзМТДПдан Андижон, Фарғона ва Наманган вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайланган депутатлар, вилоят сайлов комиссияларининг раислари ва Наманган вилояти туман, шаҳар сайлов комиссияларининг раислари, ЎзМТДП фа-

қонун лойиҳасига киритилаётган муҳим янгилик — қамқода сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этиш имконияти назарда тутилмоқда. Ушбу норманинг жорий этилиши қамқода сақлаш жойларида бўлган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш имконини беради. Конституцияда белгилаб қўйилган айбсизлик презумпцияси, яъни "Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқоқариб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди", деган конституциявий қоидага асосан қамқода сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этиш сайловларда инсон ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.

Наманган вилоятида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамкорлигида "Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг истиқболлари" мавзусида минтақавий давра суҳбати ташкил этилди. Унда ЎзМТДПдан Андижон, Фарғона ва Наманган вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайланган депутатлар, вилоят сайлов комиссияларининг раислари ва Наманган вилояти туман, шаҳар сайлов комиссияларининг раислари, ЎзМТДП фа-

қонун лойиҳасига киритилаётган муҳим янгилик — қамқода сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этиш имконияти назарда тутилмоқда. Ушбу норманинг жорий этилиши қамқода сақлаш жойларида бўлган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш имконини беради. Конституцияда белгилаб қўйилган айбсизлик презумпцияси, яъни "Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқоқариб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди", деган конституциявий қоидага асосан қамқода сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этиш сайловларда инсон ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.

**Бугунги кунда кўпчилиги интернет тармоғидан фойдаланиши инobatга олиниб, мазкур қонун лойиҳасининг интернет муҳокамаси ҳам ўтказилди. Қонун лойиҳасининг рус ва ўзбек матнлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайтларига жойлаштирилди. Шу давр мобайнида мазкур сайтларга 3000 дан ортиқ фуқаролар кирган ва лойиҳа билан батафсил танишиб чиққан. Уларнинг кўпчилиги мазкур сайтларда лойиҳа юзасидан ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён этган.**

олари, ННТ ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Давра суҳбатида қонун лойиҳаси мамлакатимизнинг сайлов тизимини янада демократлаштириш, сайловолди ташвиқотини олиб бориш жараёнида номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш, сайловнинг очик ва ошқоқорлигини принципларини мустаҳкамлаш, халқнинг хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш, фуқароларнинг давлат ва жамят бошқарувидаги иштирокининг кафолати бўлиб хизмат қилиши эътироф этилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасига қаратилган худди шундай тадбирлар сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи билан ҳамкорликда ҳам ўтказилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтказилган барча тадбирларда салкам 300 га яқин тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди. Бундан ташқари, тегишли вазирлик ва идоралардан ҳам қўллаб ёзма тақлифлар келиб тушди. Айтиш жоизки, қонун лойиҳаси халқаро ташкилотлар доирасида ҳам қизгин муҳокама қилинди. Самарқанд шаҳрида "Ўзбекистонда сайлов тизимини демократлаштириш масалалари: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Фридрих Эберт номидаги жағраманинг (ГФФ) викалоҳонаси ва АҚШ Миллий демократик институтининг мамлакатини

тиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари, Германия Федератив Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Халқаро ҳуқуқ бўйича ҳамкорлик фонди мутасаддилари, Германиялик ҳуқуқшунослар, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Бугунги кунда кўпчилиги интернет тармоғидан фойдаланиши инobatга олиниб, мазкур қонун лойиҳасининг интернет муҳокамаси ҳам ўтказилди. Қонун лойиҳасининг рус ва ўзбек матнлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайтларига жойлаштирилди. Шу давр мобайнида мазкур сайтларга 3000 дан ортиқ фуқаролар кирган ва лойиҳа билан батафсил танишиб чиққан. Уларнинг кўпчилиги мазкур сайтларда лойиҳа юзасидан ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён этган.

Қўмитада лойиҳа устида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборот-таҳлил маълумотларини оммавий ахборот воситаларида тизимли ва режалли асосда кенг ёритиб бориш бўйича 3 кишидан иборат медиа гуруҳ ташкил этилган. Қўмита бу борада махсус медиа режа қабул қилган. Уни ижро этишда қўмитанинг ҳар бир аъзоси масъул эканлиги белгилаб қўйилган.

**Арслон ЭШМУРОДОВ,**  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Оила — буйки инсоннинг умумий қарори ва истак-хоҳиши асосида қуриладиган бино. Бинонинг пойдевори, фишти пишиқ бўлса, у чидамли бўлади, кўпа ва кўп йилларга хизмат қилади. Худди шу каби оила нияти соф, мақсади аниқ, энг аҳамиятлиси, икки ёш бир-бирига муҳаббатли бўлиб, ота-онанинг ризолиги ва орузсининг ҳосиласи бўлса, бундай оила мустақил ва келажаги порлоқ бўлади.

Оила тинчлиги, тўқлиги, фаровонлиги, маънавий соғломлиги, жисмонан бақувватлиги ҳар бир оила аъзосининг онгли фаолияти мақсули бўлса-да, улар жамият оёишталлиги, ободлиги, комиллиги, инсонпарварлиги, бағрикенглиги каби фазилатлар билан ҳамоҳангдир. Мустақил Ўзбекистонимизда олиб борилаётган барча соҳалардаги ислохотларнинг бош мақсади — инсон ва унинг манфаатларини, камолотини кўзлаб, аниқ мақсадлар ва оғзулар сари дадил қадамлар ташлашдан иборат. Ҳуртимизда амалга оширилаётган "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг мақсади ҳам "ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон ва унинг манфаатлари учун" хизмат қилишига қаратилган. Инсон камолотининг бешиги оила экан, жамиятимизда оилани мустақамлашга энг устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда ва барча сазй-ҳаракатлар унинг манфаатларини қондиришга қаратилмоқда.

Ўзбекистонда муваффақиятли амалга оширилаётган "Ўзбек модели"нинг беш тамойили ихро-сида ҳам инсон, унинг оиласи асосий ўринга қўйилган. Чунки ислохотларни таъминлайдиган инсон соғлом муҳитда, оила, деб аталмиш "кичик кўрган"да тобо-

алан, ўзлари талаб қилаётган нарсаларга ўзлари амал қилмаётганларини сезар экан, кўнгли чўқади, вужудида ўкинч пайдо бўлади. Ва аксинча, ота-онанинг қувончи, оиладаги тинчлик-тотувлик, ўзаро меҳрибонлик, сўзда собит туриш, ростгўйлик каби фазилатлар фарзанда қанот бағишлайди, руҳантиради, ўз келажаги бўлган ишончини ҳар жиҳатдан мустақамлайди. Боланинг маънавий олами шу фазилатлар замирида шаклланади. Шу ўринда, буюк мутафаккир ва шоир Юсуф Хос Ҳожининг "Агар боланинг хулқи ёмон бўлса, бунда боланинг айби йўқ, ҳамма айб отасида", деган фикрларини келтириш мақсадга мувофиқдир. Бола тарбиясида маҳалла-кўннинг ҳам ўрни бекиёс даражада муҳимдир.

Маънавий-маърифий тарбиянинг асосини ёшларга бўлган муносабат ва уларга ишонч ташкил этади. Муҳтарам Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақиллиги эришиш оstonасида" асарини ўқир эканман, Юртбошимизнинг ҳар бир жараён таҳлили ва таҳликали ҳолатлардан хулоса чиқаришлари ҳамда дастурлар белгиланишининг асосида энг устувор вазифа сифатида ёшлар сиёсати турганлиги гувоҳ бўламиз. Юртбошимиз томонидан белгиланган куйидаги вазифа бугунги кунда ҳам ёшларимизни турли хуржлардан асрашга даъват этади: «**Жалққа берган ваъданизи бажариш, амалий ишлар билан унинг ишончини оқлаш — бизнинг бурчимиздир. Биз жиноятчиликка қарши курашиш юзасидан фанкулда чоралар кўрар эканмиз, салбий ҳодисаларни вужудга келтираётган, одамларни, айникса, ёшларни ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар кўчасига киришга маж-**

маҳаллага бўлган эътибор мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Утган 21 йил давомида Президентимиз раҳбарлигида оилани мустақамлаш, маҳалланинг жамият ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрнини ошириш, янги дунёқарашга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, улар қалбида она Ватанга муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат руҳини кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар, амалга оширилмоқда. Жумладан, юртимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳаракатини рағбатлантириш мақсадида Президентимизнинг 1993 йил 4 мартдаги фармонида мувофиқ "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилди. Ёш авлоднинг саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, ақлий ва ахлоқий ривожланишини қўллаб-қувватлашни кучайтириш учун Президентимизнинг 1993 йил 23 апрелдаги "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

1998 йилда қабул қилинган "Оила Кодекси" жамиятимизда оиланинг ҳуқуқий мавқеини янада оширишга хизмат қилади. У 1998 йил 30 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонуни билан мустақамланди. Кодекс мукамал ҳужжат бўлиб, у 8 бўлим, 30 бобдан иборат, унда оила муаммоларига давлатимиз бераётган аҳамияти ҳам тўла-тўқис акс этирилган. Кодексда жамиятнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий юксалишидаги оиланинг ўрни ва улгайиб келаётган ёш авлоднинг тиббий, маънавий тарбиясини шакллантиришдаги роли ва

# МАЪНАВИЯТ

## ● ГАЛАБА НАШИДАСИ



## Учинчи бор жаҳон чемпиони ИРОДАЛИ ЎЗБЕК ФАРЗАНДЛАРИ ЯНА ГОЛИБ

*Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга бўлган эътибор йилдан йилга ортиб бормоқда. Бунинг натижасида спортчилларимиз юртимиз ва халқаро майдонда спорт мусобақаларида юқори поғоналарни эгаллаб, давлатимиз байроғини кўкка кўтармоқдалар. Яқинда футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ўзбек ёшлари голиб бўлишган эди.*

Калининградда жисмоний имконияти чекланганлар ўртасида ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳам Ўзбекистон терма жамоаси учинчи маротаба жаҳон чемпиони номига сазовор бўлишди. Ўзбекистон деган номни яна бир бор дунё узра таралишига сабабчи бўлдилар. Жаҳоннинг энг кучли ўн икки терма жамоаси иштирок қилган мазкур чемпионатда ҳамюртларимиз ўзининг матонати, шижоати, кучли иродаси ва маҳоратини ишга солиб, барча учрашуварда жуда юқори натижалар билан

голибликка асосий даъвогар эканликларини кўрсатдилар. Ҳал қилувчи финал ўйинида мезбон — Россия терма жамоаси билан кескин кураш олиб бориб, ягона гол чемпионат шохсупасини эгалладилар. 2007 йил Туркия, 2010 йил Аргентинада бўлиб ўтган чемпионатдаги голиблик нашидаси бу йил янгиланди. Президентимизнинг жорий йил 17 октябрдаги Фармонида мувофиқ, мазкур чемпионатда голибликни қўлга киритиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шаянни муносиби ҳимоя қилиш

да жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани учун терма жамоа бош мураббийи Мавзурхўжа Умархўжаев "Дўстлик" ордени билан, терма жамоа аъзолари Нуриддин Турсунов ва Ҳажимжон Ҳасанов "Жасорат" медали билан тақдирланди ҳамда терма жамоанинг барча аъзоларига пул мукофотлари топширилди.

— Юртимизда барча турдаги спортни ривожлантиришга бўлган ҳаракат, спорт клублари ва соғломлаштириш мажмуалари фаолиятини такомиллаштириш орқали жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг спортга жалб қилиш натижасида уларнинг ўзига бўлган ишончи ошмоқда, сабру матонат туйғуларини шаклланиб истеъдодларини намойён қилишга, дейди футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси бош мураббийи Мав-

зурхўжа Умархўжаев. — Юртбошимиз томонидан эришган ютуғимиз юқори баҳолангани бизни янада руҳлантирди.

"Жасорат" медали билан тақдирланган Ҳажимжон Ҳасанов бекиёс гамхўрликлардан хурсандлигини чексиз ҳаяжон ила изҳор қилди:

— Жамоамизнинг барча ютуқлари юртимиздаги чексиз имкониятлар самарасидир. Барча жаҳонлар қатори спорт соҳаси ҳам кенг кўламда ривожланиб бормоқда. Спортчиларга яратилаётган барча имкониятлар жавабдан бундан кейин ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга жон-жаҳдимиз билан ҳаракат қиламиз.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзининг Ҳаракат Дастурида ёшларни ватанпарварлик, миллий гоғга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий гурур уйғотиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, спортни ривожлантириш, соҳа ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш каби вазифаларни амалга оширишни мақсад қилиб олган, дейди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ихроия Қўмитаси девоини жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлими мутахассиси Акбар Жиянов. — Ушбу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда партиямиз қатор лойиҳа ва тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Ҳозиргача кўплаб спортчилар партия сафига қабул қилинди. Уч бора жаҳон чемпиони бўлган Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси вакиллари ҳам ЎзМТДПга аъзо бўлиш истагини билдирганлар.

Юртимизда инсон аъзалиги, унинг қадрини улуглаш, имконияти чекланган кишиларни маънан қўллаб-қувватлаш борасида Президентимиз раҳнамолигидаги доимий эътибор истеъдод ва маҳорат эгаларига гурур бағишлаш шубҳасиздир.

**Муҳтарам КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

# Мустақкам оила — тинч ва фаровон

## ҲАЁТ КАФОЛАТИ

ра мустақкам ришталар билан боғлиқ, тарбия топса, жамият ҳам соғлом ва мустақкам бўлади, ислохотларни дадил амалга оширади.

### ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Оила — жамият таянчи, устуни. Оила тинч — жамият тинч. Оиладаги бахт-саодат жамият оёишталлигини белгилайди. Маълумки, ҳар қандай инсон оилада ўсиб-ўлғаяди, тарбия топади. Унинг келажақда нечоғли комил ёки ноқобил инсон бўлиб вояга етиши эса, ҳеч шубҳасиз, оилада берилган тарбияга боғлиқ. Бинобарин, бош қомусимизнинг 63-моддасида "**Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Ниҳоят томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади**", дея оиланинг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти хусусида алоҳида қайд этилган. Дарҳақиқат, оила жамияти таянчи, ниҳоят эса унинг пойдевори саналади.

### ОГОҲЛИК ВА ХУШЎРЛИККА ДАЪВАТ ОИЛАДАН БОШЛанади

Абдулла Авлонийнинг "Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажат — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур", деган машҳур иборалари Мустақиллик йилларида яна қадри бўлиб бормоқда. Чунки ҳозирги даврда тарбия масаласи янада долзарблигини намойиш этмоқда. Фарзанд — яратганининг бебаҳо неъматидир. У оилада, ота-она бағрида ўсиб-ўлғаяди, камолга етади, мурғак қалбида ҳаёт ҳақидаги илк тасавурлар шу ерда тугилади. Бола тарбияси бир умрлик, авлоддан авлодга ўтадиган, жамиятнинг маънавий қиёфаси, миллий тараққиёт билан бевосита боғлиқ жараён, айни пайтда, жуда катта масъулият ҳамдир. Гап шундаки, аввало, тарбиячининг ўзи тарбияли бўлиши керак.

Фарзандларига тарбия бераётган ота-онанинг ўзи ҳам тарбиянинг муайян талабларига риоя қилади ва тарбияланади. Бунинг боиси тарбиячининг хатти-ҳаракатлари улар тарбиялаётган фарзандлар кўзи ўнгига кечади. Оиладаги икки маданият, катталарнинг бир-бири билан ўзаро муомаласи, сўз ва амалларининг мослиги, кийиниш одоби, маҳаллага, қариндошларга муносабати — буларнинг барчаси болалар онг-шуурига марҳумиз тизилиб бораверади. Бола ота-онасини нохуш ҳолатларда кўрар экан, ма-

бур этаётган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий сабабларни, илдишларни топиш, уларни бартараф этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Гап шу ҳақда борар экан, «оммавий маданият» муаммоларига ҳам алоҳида эътибор беришимиз лозим. Айрим кишиларда ялло қилиб яшаш, зўравонлик, ҳаром-ҳаришлик руҳи ҳукмрондир. Баъзан одобсизлик, беҳаёлик, кўнглини айнитар даражадаги намойишлардан одамларнинг фиғони ошмоқда. Улар асрий анъаналаримиз, диёнат, виждон, одоб борасидаги халқ удумлари оёқ ости қилинаётганини айтиб, бизни муҳофаза этинг, демоқдалар. Биз бу билан ҳисоблашмоғимиз керак.

Аҳойиб маданий анъаналар соҳиб бўлган халқимизни маънавий айниш ва қўпол пасткашлиқдан ҳимоя қилиш учун қонун чиқариб бўлса ҳам қандай чоралар кўриш керак. Эътиборда миллий маданиятни, унинг руҳий ва маънавий қадриятларини тиклаш бизнинг энг асосий маққуравий вазифаларимиздан бири сифатида олдинги ўринга чиқши керак\*.

Асарда қайд этилишича, "**Республикамизнинг бугунги ва эртанги тақдирини ёш авлоднинг касб маҳорати, интеллектуал даражаси, маънавий тараққиёти, жисмоний соғломлигига боғлиқ**". Бу соҳада СамДУ ўзбек филологияси факультетида амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга молик. Факультетимизда ҳуқуқ тартибот органлари ходимлари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши аъзолари, депутатлар, Фан ва таълим фидойилари, маҳалла фаоллари, ота-оналар иш тироқида ўтказилаётган кўплаб тадбирларнинг неғизиде ёшлар тарбияси, уларнинг жамиятда етакчи куч сифатида шаклланишига хизмат қиладиган фикр-мулоҳазалар ўрин олган. Маънавий-ахлоқий тарбия соҳаларида изчил олиб борилаётган қатор тадбирларда оила шаъни, ёшларнинг огоҳ бўлишлари даъват этилаётган экан, ҳаммиша ана шу тадбирлардаги фикрларга ҳамоҳанг тарбия асосларини, ота-онанинг ўғитларини ёдга оламиз. Чунки огоҳлик ва хушёрлик оиладан бошланиши бежиз эмас.

### МУСТАҚКАМ ОИЛА — ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГАРОВИ

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёш авлод тарбиясига, оила ва

аҳамияти кўрсатиб ўтилган бўлиб, унда оиланинг муҳим вазифаси сифатида ўзаро меҳр-муҳаббат, ишонч, ҳурмат, ҳамкорлик, оила олдидagi масъулият хислари асосида оилавий муносабатларни шакллантириш оила мустақкамлиги эканлиги қайд этилган.

Юртимизда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган барча хайрли ишлар оила муҳитида янгича фикрлаш, янгича яшаш ва порлоқ келажақни қуришда ҳамжиҳатликка таянади. Зеро, соғлом оила ва соғлом авлод гоғсининг асосчиси ва раҳнамоси бўлган Президентимизнинг сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётган аёллар ва ёшлар бу ҳамжиҳатликнинг тимсоли ва фаолларидир.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш борасидаги амалий ишлар, «Соғлом она — соғлом бола» умуммиллий Давлат дастури, янгидан барпо этилаётган скрининг ва перинатал марказлар аёлларга кўрсатилаётган гамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Бу сазй-ҳаракатли қилиниши бу борадаги чораларнинг самарадорлигини намунасидир. Бу сазй-ҳаракатли қилиниши бу борадаги чораларнинг самарадорлигини намунасидир.

Шунга мос тарзда, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун ҳам мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий механизмларнинг узвий давомига айлантирилди.

### Абдували АБДУСАИДОВ, СамДУ профессори, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси, Дилафрўз ХУКУМОВА, СамДУ талабаси

### ● КЎРГАЗМА

#### Поштахтимиздаги Ёшлар ижод саройида япониялик буюк расом, номи жаҳонга таниш тадқиқотчи-олшм Икуо Хираяма ҳаёти ва ижодида бағишланган "Ўзбекистон-Япония: Буюк Ипак йўли ҳаёти ва турмуш тарзи" деб номланган хотира кўргазмаси очилди.

Фонд Форум, Икуо Хираяма номидаги Ипак йўли музей-жамғармаси, Ўзбекистон Бадийи ака-демияси халқаро маданият қарвонсаройи ҳамкорлигида ташкил-лаштирилган ушбу кўргазма 2011 йилнинг май ойида Фонд Форум ва Икуо Хираяма номидаги Ипак йўли музей-жамғармаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми доирасида ўтказилмоқда. Очилиш маросими чоғида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавку-

#### Ҳаёт, турмуш ва санъат намойиши

лодда ва мухтор элчиси Ёшихиса Курода, Ўзбекистон Бадийи ака-демияси раиси Акмал Нуриддин-нов, Икуо Хираяма номидаги Ипак йўли музей-жамғармаси ходимлари сўзга чиқишди. Улар ўз сўзида ҳар иккала мамлакат ўртасида ўрнатилган дипломатик муносабатлар аҳамияти, турли соҳалардаги алоқаларимизнинг ривожланаётганлиги, бир-бирини тўлдирган маданий алоқаларимизга эътибор қаратишди.

Экспозицияга қўйилган асарлар орасида муаллифининг ижод лабораторияси, фойдаланган материаллари (бўёқ, мўйқалам), ҳаёти ва ижодида оид асарлар, бошқа бир қатор маълумотлар санъат ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди. Икуо Хираяма (1930-2009) жамоат арбоби, Токио нафис санъат ва мусиқа миллий университети раҳбари, Буюк Ипак йўли жамғармасининг асос-

чили ва президенти бўлган. Шарқ маданияти музейи асосчиси ва директори, Афғонистон ва Эрон маданий-тарихий ёдгорликларини сақлаб қолиш жамғармасини ташкил қилишда жонбозлик кўрсатган. Япония, Хитой, Франция, Германия ва Ўзбекистон ("Тошкент шаҳри фахрийи фуқароси") нинг олий унвонлари, мукофот ва орденлари соҳибидир.

Болалигидан расмчиликка меҳр қўйган Хираяма санъатни пухта эгаллади. Аввалига Токио нафис санъат мактабида (ҳозирда университет деб юритилади) таҳсил олди. Меҳнат фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлаган рассом, университет раҳбаригача бўлган йўлни босиб ўтди. Бир вақтнинг ўзига ўқиб-ўқиб қилар, китоблар ёзар, турли мавзудаги қадимий фрескаларни реставрация қилиш ишлари билан шуғулланар эди. Илк бор 1968 йили Тошкент, Самар-

қанд, Бухоро шаҳарларида ҳам бўлди. 2002 йилнинг декабрь ойида эса Хираяма Тошкентда халқаро маърифий марказ вазифасини ўташи қўзлаган Маданият қарвонсаройининг очилиш маросимида иштирок этди. Бу унинг Ўзбекистонга олтинчи маротаба ташриф буюриши эди.

Рассомнинг аслига қараб чизган эскизлари, Шарқ тарихи, инсон сиймосига бағишланган асарлари ана шу ташрифлар асносида дунё юзини кўрди. Унинг девяри барча асарларида профессионал рассом ҳамда тадқиқотчилик сезилиб туради. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги мактабга тарбия ва мактаб ўқувчиларидан ташкил топган "Асал" рақс гуруҳининг ўзбек халқ куйлари асосидаги чиқишлари тадбирга янада кўтаринкилик ва файз бағишлади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

### ● 2012 ЙИЛ — МУСТАҚКАМ ОИЛА ЙИЛИ

# Тарбия оиладан бошланади

*Оиланинг мустақкамлиги, унда соғлом маънавий муҳитнинг мавжудлиги баркамол авлод тарбиясида муҳим рол ўйнайди. Жисмонан ва маънан соғлом ёшлар эса жамият тараққиётининг асосини ташкил этади.*

Қиз болани вояга етказиш. Уни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг ўзига яраша кийинчиликлари, масъулияти бор. Зеро, қиз бола — бўлажақ она, оила, деб аталмиш кўрганнинг бир устуни. Оиладаги меҳр-оқибат, тинчлик-хотир-жамлик, қут-баракана ана шу устунга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунинг учун қиз бола ҳар тарафлама баркамол, одобли, ибобли, шарму ҳаёли, сабрли, бир сўз билан айтганда, турмушнинг "аччиқ-чучу-ги"ни кўтара оладиган даражада тарбияланиши лозим.

Албатта, ҳар бир ота-она фарзанди вояга етгач уни муносиб оилага узатишни орзу қилади. Лекин олқиш ва раҳмат келин-

нинг чиройига, қадди-қоматига қараб айтимайди. Келинга айтадиган "Раҳмат" — унинг юриш-туриши, оила тутиши, одоб-ахлоқи, турмуш ўртоғига, қайнота-қайнонасига бўлган муносабатига қараб бериладиган бекаму кўст баҳариш учун қиз бола ўз ота-онанинг уйда яхши тарбия кўрган бўлиши лозим.

Келиннинг зиммасидаги вазифалардан яна бири — икки оиланинг ўзаро қон-қариндошлигини, аҳиллигини таъминловчи, оилаларо авлодлар давомилигига асос солувчи кўприк ҳамдир. Чунки, "Кудачилик — минг йилчилик", деб бекорга

айтилмаган. Баъзан, "Келин (ёки кўв)нинг касали борлигини биздан яширишган экан" деган арзигаган гап-сўзлар билан ёш оилаларнинг бузилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Айрим ҳолларда эса, афсуски, ёш оилаларда ногирон болалар тугилишига ҳам гувоҳ бўлаялимиш. Шунинг учун ҳар бир ота-она қизининг саломатлигига ёшлигидан, яъни ўз оиласидаёқ жиддий эътибор қаратиши лозим. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан тасдиқланган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги низомда тиббий қўриқдан ўтгандан сўнгги-на ФХДЭ идоралари томонидан никоҳ қайд этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Никоҳланувчилар психик, наркологи, таносил, сил касалликлари ва ОИВ/ОИТС бўйича тиб-

бий қўриқдан ўтиши зарурлиги белгиланган. Албатта, бундай хайрли сазй-ҳаракатлар замирида оила тинчлиги, авлодлар сиҳат-саломатлигини кафолатлашдек эзгу мақсадлар ётибди.

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асариде шундай ёзади: "Ҳар қайси миллиятнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғу-гуллари, илк ҳаётини тушушча ва тасавуруларини биринчи галда оила бағрида шаклланади". Ушбу пурмаво сўзларда халқимизнинг оилага бўлган меҳр-муҳаббати, ўлмас урф-одат ва анъаналари ўз ифодасини топган. Боиси меҳнатсевар, жонқуяр ва болажон халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас даргоҳ сифатида қадрлайди. Унинг мустақиллигини, тотувлигини, тинч ва осудлигини таъминлаш йўлида астойдил ҳаракат қилади.

**Бусолия НАЗАРОВА, Фаргона вилояти, Бувайда тумани ФХДЭ бўлими мудир**

## ЖАРАЁН

## ● ИСЛОХОТ

## Ўзбекистон таълим тизими дунё эътирофида

Тошкентда 2012 йил 16-17 февраль кунлари халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, юксак билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу бордада тўпланган тажриба билан кенг таништириш мақсадида "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti" мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда Президентимизнинг "Биз неча асрлар давомида илм-маърифат ёғдусини таратган буюк аждодларимиз ҳақида гапирар эканмиз, ёш авлодимизга, менинг фарзандларимга қарата такрор ва такрор айтаман: албатта, биз улуг алломаларимиз даҳоси билан фахрлишимиз керак. Шу билан бирга, ўзимизга савол беришимиз лозим: уларнинг муносиб давомчилари бўлиш учун бугун биз нима қилмоқдамиз?" деб айтган даъвати ҳеч биримизни бефарқ қолдирмас керак. Дарҳақиқат, мустақиллигимиз шарофати билан номлари қайта тикланиб, абадиётга муҳрланган Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари кўплаб бобокалонларимизнинг оламшумул кашфиётлари дунё илм-фанига қўшган улкан ҳиссалари билан фахр ҳиссини туйиб келамиз. Улар бир вақтнинг ўзида бир неча фан ва соҳалар билан шугулланиб, қатор асарлар ёзишган. Бу асарлар эса турли кашфиётлар, янгилик ва янги йўналишларда акс эттирилиб, шу аснода боболаримиз бутун дунёда доврўқ қозонишган. Асрлар силсиласида

тиллarda дoston бўлиб келаяётган буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиш учун нима қилаётганимиз ва яна нима қила олишимиз мумкинлиги ҳақида жиддий ўйлаган ҳолда ҳаракат қилиш фурсати етди. Илм-фанда тенги йўқ уламоларимизга муносиб издош бўлиш учун ҳеч кимдан, дунё халқларининг ҳеч биридан кам эмаслигимизни бугунги давримиз, мамлакатимизда яратилган имконият ва шароитларнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Зеро, давлатимизда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислох этишга йўналиштирилган давлатлар қаторига кириш, мамлакатни юксалтиришдек буюк мақсад сари одимлаётган давлат, аввало, таълим соҳасини тубдан ислох қилиш ва малакали кадрларни этиштириш орқали кўзланган чўққиларга эришиши мумкин. Мамлакатимизда ҳам худди шу аснода йўл тутилмоқдаки, февралда бўлиб ўтган халқаро конференция ва унда Ўзбекистон таълим тизимидаги тажрибаларнинг дунё ҳамжамиятига тавсия этилгани энг оқилона йўлни танлаганимиздан дарак беради.

Таълимга эътибор — келажакка эътибор, дея бежиз айтилмайди. Дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кириш, мамлакатни юксалтиришдек буюк мақсад сари одимлаётган давлат, аввало, таълим соҳасини тубдан ислох қилиш ва малакали кадрларни этиштириш орқали кўзланган чўққиларга эришиши мумкин. Мамлакатимизда ҳам худди шу аснода йўл тутилмоқдаки, февралда бўлиб ўтган халқаро конференция ва унда Ўзбекистон таълим тизимидаги тажрибаларнинг дунё ҳамжамиятига тавсия этилгани энг оқилона йўлни танлаганимиздан дарак беради.

**9+3 СХЕМАСИ — ЮКСАЛИШ ПОЙДЕВОРИ**  
1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дас-

тури Ўзбекистон таълим тизимида асосий маёқ вази фасини ба- жариб келмоқда. Давлатимиз раҳбари уни шундай таърифлаган эдилар: "...бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган Дастур — бу бошқа моделларни қандайдир такрорлаш ёки улардан нусха кўчириш эмас, аксинча, биринчи навбатда, ривожланган демократик давлатларда тўпланган тажрибани ўзида му- жассам этган ва айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чи- қилган дастурдир". Унинг асо- сий мақсади ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шах- сни шакллантириш, ўсиб келаят- тан авлод онгда демократик кадриятларни мустаҳкамлаш, эски андозалардан воз кечи- б, янги йўналишга эга хур фикр- ли, комил инсонларни юзага чи- қаришдан иборат.

Ушбу дастурга мувофиқ, мам- лакатимизда 9+3 схемаси бўйи- ча 12 йиллик умумий мажбурий таълим тизими жорий этилди. Яъни, 9 йиллик мактаб таълимидан сўнг 3 йил ихтисос- лаштирилган касб-хунар коллеж- лари ва академик лицейларда тахсилни давом эттириб, ўзлари хоҳлаган йўналишларда касб- хунар ҳам эгаллашлари мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимиз- да 1 минг 500 дан ортиқ янги қиёфадаги касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо эти- либ, улар замонавий техника- технология, турли асбоб-ускуна- лар билан тўла таъминланган.

Ўқувчиларнинг билим ва тажри- баларини ошириш ва янада мус- таҳкамлаш мақсадида олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик ало- қалари йўлга қўйилган. Бундан

ташқари мусиқа ва санъат мак- таблари фаолиятига ҳам алоҳи- да эътибор қаратилмоқда. Пре- зидентимизнинг 2008 йил 8 июл- даги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва улар- нинг фаолиятини янада яхши- лаш бўйича 2009-2014-йиллар- га мўлжалланган Давлат дасту- ри тўғрисида"ги қарори бу бора- да дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Фарзандларимизнинг мусиқага, санъатга бўлган қизи- қишини рағбатлантириб, ёшли- гиданоқ уларнинг тўғри шакла- ниши учун кенг имкониятлар эшиги очиб берилди.

Ун икки йиллик таълимдан кей- ин олий ўқув юртида ўқишни да- вом эттирувчи ёшлар учун мам- лакатимизда 59 та университет ва олий ўқув юртлари мавжуд. Улар орасида Вестминстер, Мос- ква давлат университети, Турин политехника университети каби обрўли, дунёда етакчи олий ўқув масканларининг филиаллари ҳам борки, Ўзбекистон ёшлари тур- ли касб ва соҳаларни мукамал даражада, шу билан бирга хори- жий тилларда ўқиш имкониятига эга бўлиши. Бундан ташқари таълим тизимида етакчи олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда. Бу ёш мутахассис кадрларнинг ил- мий ва амалий томонлама му- каммал даражада шаклланиши- га, илм-фандаги замонавий ме- тодларни пухта ўзлаштиришига имкон беради. Ҳар бир соҳани ривожлантириш учун аввало унинг илмий асосига суяниб иш кўрилиши сир эмас. Шундай экан, ёш олимлар илмий салоҳия- тини ошириш, илмий тадқиқот ишларини янада мукаммал да- ражага кўтариш, замонавий илм- фан ютуқларини ўзлаштириш муҳим мезон ҳисобланади. Бу борада юртимизда барча қулай- ликлар мавжудлиги, таълим ти- зими самарали йўлга қўйилган- лиги кишини қувонтиради.

**Равшан ОМОНОВ,**  
**ЎЗМУ журналистика**  
**факультети магистранти:**  
— Ўзбекистон таълим соҳа- сидаги ислохотлардан асосий мақсад мамлакатнинг юксак пой-

деворини мустаҳкамлаш, буюк келажакни яратишдан иборат. Давлатимиз таълим тизимининг хорижий мамлакатлардан фарқи бепул ва мажбурий эканлиги- дир. Мана шу жиҳат дунё мам- лакатлари томонидан алоҳида эътироф этилиб, Ўзбекистон таълим тизими жаҳон миқёсида тан олинди. Олий таълимдаги бакалаврият ва магистратура- дан иборат икки босқичли ти- зим ҳам самарадорлиги билан ўзини оқламоқда. Президентимизнинг жорий йил 24 июлдаги "Олий малакали илмий ва ил- мий педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш ти- зими янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонида олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини илғор жаҳон тажриба- си ва халқаро стандартларга мос равишда тубдан ислох қилиш кўзда тутилган.

Олий ўқув юртлари талабала- рини рағбатлантириш мақсади- да ҳар бир йўналишда Навоий, Беруний, Мирзо Улуғбек, Ибн Сино номидаги давлат ва Пре- зидент стипендиялари жорий этилган. Бундан ташқари, "Ка- молот" ЕИХ, "Келажак овози", Фонд форум каби ташкилотлар- нинг турли лойиҳа ва грантлари интеллектуал салоҳияти юксак, истеъдодли, билимдон, изла- нувчан ёшларни юзага чиқариш билан бирга уларни моддий қўллаб-қувватлашни кўзда ту- тган. Қўллаб ёш истеъдод эгалари юқоридаги давлат стипендия ва грантларни қўлга киритиб, ўз лойиҳа ва ижод намуналарини намойён этишмоқда, билим ва салоҳиятини оширмоқдалар.

Ўзбекистон таълим тизимида- ги барча имконият ва қулайлик- лар ёшларнинг юксак даражада- ги билим ва тажрибаларини эгал- лашига тўла жавоб бера олади. Бундай шароитда давлатимиз, халқимиз кутганидай маънан етук, баркамол ва чуқур салоҳи- ятли кадр бўлиб етишишга, буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлишга чин дилдан, бор куч гай- ратимиз билан интиломлик энг муносиб жавобдир.

**Мухтарама КОМИЛОВА,**  
**"Millyi tiklanish" мухбири**

## Мажбурий суғурта

УНГА ДОИР КОНУНЛАР ҚАНДАЙ ИЖРО ЭТИЛМОҚДА?

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Кафолат" давлат- акциядорлик суғурта компанияси (ОАЖ) билан ҳамкорликда ташкил этилган матбуот анжумани "Мажбурий суғурта фуқаролар хизматида: "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида" ва "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуналарининг ижроси" мавзусига бағишланди.**

Бугунги кунда Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта қопламалари бўйича "Кафолат" ДАСК (ОАЖ)-нинг улуши 18,3 фоизни, ТВЭФЖМС бўйича сотилган поли- снинг умумий сони эса 840 мингдан ортиқни ташкил этади.

**Азамат РАҲМАТУЛЛАЕВ,**  
**ТВЭФЖМС департаменти бош менежери:**

— Мазкур суғурта тури бўйича суғурта мукофотларини тез ҳисоблаш ҳамда тузилаётган су- гурта шартномаларининг тўғри- лигини назоратга олиш мақса- дида марказлашган компьютер дастури ишлаб чиқилди ва барча бўлима ҳамда шахобчаларга жойлаштирилди. Бу эса компа- ниямизнинг миқозларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш имко- нини бермоқда.

Маълумки, 2009 йил 16 апрелда иш берувчининг фуқаролик жавоб- гарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тар- тибга солиш мақсадида "Иш бер- увчининг фуқаролик жавобгарли- гини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Респуб- ликаси Қонуни қабул қилинган эди. Унда ходимнинг ўз меҳнат вазифа- ларини бажариши жараёнида ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ундириш бўйича қонуний, ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, мазкур зар- рарни қоплаш билан боғлиқ иш берувчининг мулкий манфаатла- рини ҳимоя қилиш, ходимларнинг меҳнат шартномаларини замон талабларига мос равишда яхши- лаш ва хавфсизлигини ошириш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги жа- роҳатланиши ва касб касаллигига чалинишини камайтиришда иқти- содий манфаатдорлигини ошириш масалалари белгилаб қўйилди.

Ушбу қонун ижросини таъмин- лаш бўйича, ўтган давр мобайнида компания томонидан жами 6,98 млрд сўмдан ортиқ суғурта муко- фотлари туширилди. Жавобгарлик миқдори 4 862,8 млрд сўмни таш- қил эди. Суғурта ҳодисалари си- фатида тан олинган 171 та ҳоди- са бўйича эса жами 1,4 млрд сўмдан ортиқ маблағ тўла берилди.

**Эркин ДОРИПОВ,**  
**"Millyi tiklanish" мухбири**



## "АСАКА" БАНК (ОАЖ) ЖАМОАСИ

Юрtdошларимизни  
муборак  
Қурбон Ҳайити  
билан самимий  
қутлайди.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● **БИЗНИНГ ШАРҲ**

## Глобал иқлим ўзгариши

**ОКЕАН САТҲИДАН УНЧА БАЛАНД БЎЛМАГАН ОРОЛ ДАВЛАТЛАРГА ЖИДДИЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА**



**Иқлим ўзгариши табиий жараён ҳисобланса-да sanoatни ривожлантиришга киришти кетган инсон фаолияти оқибатида глобал иқлим ўзгариши муаммоларига дуч келаяпти. Утган XX асрда ер юзи қатлами ҳарорати тахминан Цельсий шкаласи бўйича 0,6 даражагача кўтарилган. Олимларнинг башоратига кўра, 1990-2100 йиллар давомида бу кўрсаткич 1,4-5,8 даражага ошиши мумкин. Ҳўш, иқлим софлигини қай тариқа таъминлаш мумкин?**

Мутахассисларнинг фикрича, бу борада энг мақбул йўллардан бири атмосферага парник газларини чиқариш бўйича квота савдо-сотигини ташкил этишдир. Маълумки, глобал иш, иссиқхона эффекти, атмосфера таркибида карбонат ангидрид, олтингургурт оксиди, углерод ва бошқа зарарли моддалар микдорининг кўпайиши, нафақат ҳаво ҳароратининг кўтарилишига, балки барча иқлим омилларининг ўзгаришига олиб келади.

Дунё метеорологларининг олиб борган тадқиқотларига кўра, атмосферада карбонат ангидридининг кўпайиши ва ҳароратнинг кўтарилиши асосан юқори кенгликда, шимолий ярим шарда, бир вақтлар баҳайбат музликлар ҳукмрон бўлган ҳудудда кузатилаётган. Арктикадаги абадий музлик-

ларнинг эриб бораётгани ҳам айнан иқлим иссиши билан боғлиқ бўлаётди. "Арктика кенгаши" халқаро ташкилоти тарқатган маълумотларга қараганда, Арктикада 2070 йилга бориб барча музликлар эриб бўлади. Сунгги 30 йил ичида бу ҳудудда музликлар қалинлиги икки баробарга камайган. Яна 50 йилдан сўнг Шимолий Муз океанида ҳам музларнинг эриб кетиши ҳақида тахминлар мавжуд.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 2030 йилга бориб ҳар йили 300 минг нафар одам айнан иқлим ўзгариши туфайли ҳаётдан кўз юмади. Бу ҳолат асосан ривожланаётган мамлакатларда кузатилади. Иқлим иссиши туфайли ер юзида яшаётган аҳолининг 2,4 фоизи ичак инфекцияси, 2 фоизи безгак касаллигига чалиниши ҳақида ҳам хавотирлар бор.

Тўрт томони сув билан ўралган орол давлатларнинг ташвиши ўзгача. Кирибати республикаси президенти Аноте Тонг ўз фуқароларини фавқулодда вазиятда, яъни орол сувга чўккан пайда бошқа ҳудудга кўчишига тайёр бўлишга даъват этган. Ҳукумат ҳозирданок аҳолини кўчириш ишларига тайёргарлик кўрмоқда. Айнан глобал иқлим иссиши туфайли республика ҳудуди сув остига фарқ бўлиши мумкинлиги айтилмоқда. Аҳолиси юз мингга яқин бўлган Кирибати республикаси ўнлаб кичик ороллардан иборат мамлакат бўлиб, ўз вақтида Британиянинг собиқ мустамлакаси бўлган. Архипелагининг асосий қисми денгиз сатҳидан бир неча метр юқорида. Президент Тонгнинг таъкидлашича, оролнинг баъзи ҳудудлари қил

устида турибдики, бир зумда сув остида қолиши мумкин.

Иқлимшунослар XXI асрнинг охирига келиб дунё океанларининг сатҳи 1,1 метрга кўтарилиши башорат қилмоқда. Агар ҳақиқатан ҳам шундай ҳолат рўй берса, Кирибати ҳам океандаги бошқа кўплаб мамлакатлар қатори дунё харитасидан ғойиб бўлиши ҳеч гап эмас. Кирибати раҳбари мамлакатдаги экологик вазият ҳусусида тўхталар экан, халқаро анжуманда қатнашаётган АҚШ, Хитой, Япония вакиллари эътиборини атмосферага ис газ чиқариш микдорини кескин камайтиришга қаратган. Тўғри, Аноте Тонг аҳолини қайси муддатда кўчириш ҳақида аниқ фикрларни билдирмаган. Миллий Кенгаш эса халқаро ҳамжамият айнан иқлим ўзгариши туфайли ўз уйини тарк этаётган аҳоли ҳақида бош қотириш керак, деган фикрда. Орол раҳбарияти кўча майдонга техника асосида кўчиб юрвчи орол қуриш гоясини илгари сураётди. Бироқ бу осон кўчадиган иш эмас. Бунинг учун катта микдорда маблағ зарур. Айрим маълумотларга кўра, айни пайда кўшни Фижига тегишли Вануа-Леву оролини сотиб олиш борасида музокаралар олиб борилаётган. Эслатиш жоизки, Кирибати ҳозирга қадар иккита оролидан маҳрум бўлган, чўмилиш майдонлари ва қишлоқлар океан домиди қолган.

Тинч океанидаги Микронезия, Маршалл, Шимолий Марианна, Палау ва Гуам оролларида яшовчилар ҳам ана шундай муаммага тўқнаш келмоқда. Ҳиндистон ва Бангладеш чегарасидаги Бенгалия кўрғазиди бангладешликлар таъби-

ри билан айтганда, Нью-Йорк, Айленд, деб номланувчи орол бор. 1974 йили АҚШ сунаий йўлдоши орқали биринчи бўлиб Ҳинд океанида ана шу орол борлиги аниқланган. Оролнинг узунлиги уч ярим, эни уч километр бўлиб денгиз сатҳидан бор-йўғи икки метр баландликда жойлашган экан. Бу ерда ҳеч қандай фойдали қазилмалар йўқ, қолаверса сайёҳлар ҳам келмайди. Ҳиндистонлик океаншунос олим Сугата Ҳазранинг айтишича, айнан глобал иқлим ўзгариши оролни сув ютишига олиб келди. Бу биринчи мартаба кузатилаётган табиат ҳодисаси эмас. Бундан 15 йил муқаддам Лоҳачара ва Гхорамара оролларининг каттагина қисми сув қарига кетган. Олимлар яна 10 та оролда шундай ҳолат кузатилиши мумкинлиги ҳақида башорат қилмоқда. Саут Талпати, яъни Нью Мур оролининг сувга фарқ бўлиши денгиз сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлди. Уларнинг барчаси Брахмапутра ва Ганг дарёларининг қуйилиш қисмида Ҳиндистон ва Бангладеш давлатлари сарҳадларида жойлашган. Ҳозир кичик орол мамлакатлар, уларнинг ҳудуди сув остида қоладиган бўлса, қайси мамлакатга кўчиш масаласи уларни жиддий ташвишга солмоқда.

XX асрда асосан сиёсий ва иқтисодий масала бўйича кўпчилик ўз она юртини тарк этган бўлса, эндиликда вазият батамом ўзгарди. Айнан иқлим ўзгариши туфайли ўз яшаш жойини ўзгартиришга мажбур бўлмоқда. Полинезиядаги яна бир Тувалу номи митти орол давлат 4 та орол ва 5 та атоллдан иборат бўлиб, майдони 26 квадрат километрни ташкил

этади, аҳолиси бор-йўғи 12 минг нафар. Ишга жойлашман десангиз фақат ҳукумат идораларидан иш топиш мумкин. Қолган кишилар эса хунармандчилик ёки сайёҳларга хизмат кўрсатиш орқали тирикчилик қилади. Оролда доимий 4-5 балли тўлқинлар юз бериб туради. Мутахассисларнинг фикрича, 2020 йилга бориб тропик циклонларнинг 5-10 фоизга ортиши, дунё океани сатҳининг кўтарилиши денгиз сатҳидан бир неча метр баландликда жойлашган оролларнинг сув тагида қолишига олиб келади.

Тувалу расмийлари иқлимнинг кескин ўзгаришига ривожланган мамлакатлар саноатининг тараққий этиши сабаб бўлмоқда, деб ҳисобламоқда. Маълумки, Австралия ҳам бир неча ривожланган мамлакатлар қатори Киото баённомасига имзо чекамган. Устигустак яқин 30 йил ичида Тувалу ороли аҳолисига нисбатан маҳсус муҳожирилик дастурини жорий этишга ҳам розилик билдирмаган. Ҳозир оролликлар иқлим ва экология бўйича конвенцияга тузатиш ва ўзгартириш киритиш билан машғул бўлса-да, унинг натижаси сезилмапти. Кичик орол давлатлар иттифоқи — "АОСИС"га аъзо мамлакатлар орасида Тувалу ҳам бўлиб, сентябрь ойи охирида иқлим ўзгариши тўғрисидаги янги декларацияни эълон қилди. "АОСИС" ташкилоти 2050 йилгача 1990 йилги даражадагидан атмосферага ис газ чиқариш ҳажмининг 85 фоизгача камайтирилишини талаб қилмоқда.

Иқлим ўзгаришининг олдини олиш учун Тувалу давлати газнасиди қарийб маблағ қолмаган. Шу боис ташқаридан ёрдам зарур. Инсон ҳуқуқлари фаоллари айнан иқлим ўзгаришидан нафақат Тувалу, шунга ўхшаш кўплаб митти орол давлатлар жиддий азият чекиши мумкинлигидан ташвиш билдирмоқда. Агар 2050 йилга бориб Океан сатҳи ярим метрга кўтариладиган бўлса, у ҳолда тахминан 200 миллион киши ўз яшаш жойини ўзгартиришга тўғри келади. Килинаилау атоллсини оладиган бўлсак, у Папуа-Янги Гвинея таркибидаги давлат. У ҳам сув остида қолади.

Яна бир муаммоли ҳудуд бор бу — Малдив ороллари. Мазкур ороллар ҳам денгиз сатҳидан бор-йўғи 1 ярим метр юқорида жойлашган. Тўғри, Малдив давлатининг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари Тувалуга нисбатан анча юқори. Улар бемалол Австралия ёки Ҳиндистонга бориб яшашлари мумкин. Шунга қарамай, Кирибати ва Мальдив ороллари Тувалу каби АҚШ ва Австралия мамлакатларини иқлим ўзгаришига қарши жиддий чора-тадбирлар кўрмаётганликда айбла келмоқда.

**Азимжон ПҮЛАТОВ**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Мақсад — ўрта таълимни мустақамлаш

**Буюк Британияда ҳулқи ёмон ўқувчиларни жазолашнинг янги усуллари жорий қилинди.**

Қонунга кўра, ўқувчилар тартибга риоя қилмаган ўқувчиларни тунлари, дам олиш кунлари, шунингдек, таътил вақтида ҳам мактаб қамоғида сақлаши мумкин. Қамоқнинг муддати ўқувчи йўл қўйган тартибсизлик даражасига қараб белгиланади. Ҳукми эса таълим муассасаларининг раҳбарлари чиқаради. Буюк Британияда мазкур янги қонунни жорий қилишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатдаги мактабларда ҳаддан зиёд кўпайиб кетган безорилик ва зуравонликка чек қўйишдан иборат.



## Фуэго яна ҳаракатда

**Гватемаладаги Фуэго вулкони ҳаракати яна ошган.**

Вулқон кратерида содир бўлган кучли портлашлар оқибатида ҳавога захарли газ тарқалган. Фуэго вулконида отилган кул қатла майдонни эгаллаган. Ҳукумат ҳудуддан учиб ўтувчи самолётларга эҳтиёт чораларини кўришга чакирмоқда. Ҳозир қарийб бир ойдан буён минглаб аҳоли хавфсиз жойларда яшамоқда.



## Гренландия ичимлик суви

**Гренландияда муз парчаларидан ичимлик суви ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

Янги турдаги ичимлик суви экологик тоза, шунингдек, инсон саломатлиги учун фойдали. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, "муз суви"ни ишлаб чиқаришда икки минг йилдан зиёд вақт мобайнида сақланган айсберг ва муз қатламларидан фойдаланилмоқда. Хабарларга қараганда, шиша идишларда қадокланаётган бундай суви ичимлик суви танқис мамлакатларга экспорт қилиш режалаштирилмоқда.



## Умуммиллий манфаат йўлида

**Японияда глобал иқлим ўзгаришига қаратилган янги қарор кучга кирган.**

Қарорга мувофиқ, 2020 йилга бориб мамлакатдаги саноат муассасалари, завод ва университетлар, дўкону меҳмонхоналар ҳавога чиқараётган захарли газлар ҳажмини 25 фоизга қисқартириши лозим. Мазкур ҳужжатдан кўзланган мақсад инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда атропо-муҳит мусоффолигини таъминлашдан иборат.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

● **РАНГИН ДУНЁ**

**Яқин Шарқда, Осиёнинг ғарбий қисмида жойлашган Иордания ҳудуди 89206 квадрат километрни, аҳолиси 6 миллиондан зиёди ташкил этади. Пойтахти — Уммон шаҳри. Мамлакатда қончилик, энергетика, тўқимачилик ва туризм саноати яхши ривожланган. Бироқ, Иорданияни дунёга танитган Петра мажмуаси бўлади. У денгиз сатҳидан 900 метр баландликда жойлашган.**

Қадимги Петра шаҳри — қояларга ўйиб ишланган ибодатхоналар, мақбаралар, туннел-жой бинолари, 3 минг кишилик театр ва бошқа бетакрор бинолар мажмуасидир. Эрамызга қадар III аср ва эрамызининг I асрида бунёд этилган мажмуа майдони 3 квадрат километр бўлиб, унда 1000 дан ортиқ ўйма иншоотлар мавжуд. "Қоя" маъносини англатувчи бу шаҳар даставвал Идумей, кейинроқ эса Набатей шоҳлиги пойтахти бўлиб келган. Қизил қум қоя бағрига қурилган иморатларнинг бири иккинчисини тақрорламайди. Уларнинг аксарияти рим архитектурасига хос услубда қурилган. Қўнча шаҳардаги бинолар ўзининг оригиналлиги билан ажралиб туриши ҳам шундан. Айниқса, набатей қабиласи томонидан

бунёд этилган ажойиб порт, бино ва ибодатхоналарни ана шундай иншоотлар сирасига киритиш мумкин. Қолаверса, қоянинг қизил, пушти ва зарғалдоқрангларда товланиши уни янада жозибадор кўрсатади. Инсон ақлу заковати ва қўли билан яратилган бу шаҳар бир неча асрлар давомида омма эътиборидан четда қолди. Иордания қироллигининг қоқ марказида ана шундай қўнча шаҳар борлигини биринчи бўлиб, 1821 йили швейцариялик саяхатчи Иоган Буржардт дунёга маълум қилди. Шундан сўнг, бу ерга илмий экспедициялар уюштирила бошланди. Шаҳардаги ҳар бир объект чуқур тадқиқ этилди. Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, Петра 2000 йилдан кўпроқ вақт давомида қурилган. Шаҳарнинг энг гур-

# Иорданиядаги Петра мажмуаси

кираган даврида ерлик аҳоли сони 30 мингдан ошиб кетган. Худди Александрия қабри Петрада мураккаб сув қувурлари ва каналлар тизими мавжуд эди. Набатейликлар асосан тижорат ишлари билан шугулланишган ва Петра атрофидан ўтувчи савдо-сотик йўлини назорат қилиб турганлар.

Айнан мана шу савдо йўллари орқали мамлакатга Греция, Рим ва Миср маданияти кириб кела бошлади. Буни Петра шаҳрида тошга ўйиб қурилган сарой ва ибодатхоналар, мақбара, антик театр ва бошқа қурилмалар мисолида кўриш мумкин. Мазкур иншоотлар ўз даврида идумей ва набатей қабилалари, римлик, византиялик ва араб меъморчилиги анъаналарига хос услубда бунёд этилган. Шунданми, ҳар йили Петра мажмуасини кўриш учун Иорданияга ярим миллиондан ортиқ сайёҳлар ташриф буюради. Сабаби, меъморий иншоотларга бой шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини дунёнинг бошқа ҳеч ерида учратиб бўлмайди.



Шаҳарнинг энг кўзга кўринган иншоотларидан бири - Ал-Фазна ("Фиръавнлар хазинаси") ёдгорлигидир. Мазкур монументал иншоотнинг эни 30 метр, баландлиги 43 метрни ташкил қилади. Иншоотдан нима мақсадда фойдаланилгани ҳалигача номаълум. Тахмин-

ларга кўра, даставвал иншоот Исида маъбудаси ибодатхонаси вази фасини ўтаган. Кейинроқ эса ундан набатей шоҳлари хилхонаси ва хазинагоҳ сифатида фойдаланилгани эҳти молдан холи эмас. Ал-Фазна ёдгорлиги қадимги меъмор ва тош кесувчиларнинг юксак

маҳоратидан дарак беради. Ҳатто, дунё олимлари бу иншоотнинг қай тарзда барпо бўлганлиги тополмай ҳалак. Петра шаҳри марказида харабага айланган иморатлар ҳам жуда кўп. Уларнинг аксарияти қоя ичида эмас, балки тошлардан қурилган. Бу ердан ўтувчи

марказий қўча шаҳарнинг жануб қисмидан бошланиб, ғарб томон мўзилган. Ушбу йўл римликлар даврида ётқизилган бўлиб, икки томонлама устунлари бўлган. Шаҳарнинг яна бир диққатга сазовор иншооти - Эд-Дайр монастыри қоянинг энг баланд қисмига ўйиб қурилган. Улкан бино энига 50, бўйига 45 метрни ташкил қилади. Ундаги ўйиқ ҳошлар иншоот черков вази фасини ўтаганидан далолат беради. Монастир атрофида олиб борилган археологик қазималар натижасида набатей шоҳларига тегишли хилхона топилган. Бироқ, хилхонага кириш учун 800 та зинани ҳатлаб ўтиш керак.

Сир-синоатларга бой Петра шаҳри 1985 йили ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган. 2007 йилда эса қадимги шаҳар дунёнинг янги мўъжизаларидан бири сифатида эътироф этилди. Ашаддий сайёҳларнинг гапига қараганда, Петрани томоша қилиш учун бир кун камлик қилади. Қўнча шаҳар нафақат кундузи, балки тунда ҳам ўзгача тароват касб этади. Кеч тушиши билан эса Петра шаҳри ёғдусида янаям сирли кўринади.

**Зафар МУҲАММАД**

